Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 98 (8088). ● 25 май, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА

ТАВСИЯЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Бу йил ҳам об-ҳаво деҳқонларимиз учун анча ноқулай келди. Авжи баҳорги дала ишлари қизғин дамларда сув камчил ва қурғоқчилик бўлди. Лекин азамат колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, мутахассислар зўр уюшқоқлик, ғайрат-шижоат ва юксак интизом намуналарини кўрсатиб қийинчиликларни мардона енгдилар. Илғор фан-техника ютуқлари, тажрибаларни кенг жорий этдилар. Ҳар бир қулай имкониятдан моҳирона фойдаландилар. Натижада асосий майдонларда чигит бир текис ундириб олинди. Бироқ май ойига келиб устма-уст ёмғир, жала, айрим жойларда эса дўл ёғиб пахтакорлар ишини янада мураккаблаштирди. Катта-катта майдонларда қатқалоқ пайдо бўлди. Ҳар қандай қийинчиликларни ақл-идрок, омилкорлик билан енгишга одатланган пахтакорларимиз яна астойдил енг шимариб ишга киришиб кетдилар.

Шу кунларда барча агротехника тадбирлари: суғориш, озиқлантириш, культивация ишлари кучайтирилиб, асосий диққат-эътибор область бўйича ҳар гектар ерда ўртача 120—130 минг туп кўчатни сақлаб қолишга қаратилмоқда.

Кейинги пайтларда ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги туфайли тупроқ анча зичлашиб қолди. Далаларда бегона ўт кўпайиб кетди. Ғўзага шира, трипс сингари ҳашаротлар туша бошлади. Бунинг устига ҳаво анча совиб кетиб ғўза ўзи учун зарур иссиқликни ололмай қолди. Бундай шароитда ишни қандай ташкил этиш керак? Белгиланган миқдордаги кўчатларни терим бошлангунгача тўла сақлаб қолиш, ҳар туп ғўзанинг бақувват ва серҳосил бўлиб ўсишини таъминлаш учун нималарга эътибор бериш керак?

Ҳар бир хўжаликда энг аввало чопиқ тракторларнинг тўла унум билан ишлашини таъминлаш, далаларни бегона ўтдан тозалаш учун барча ишчи кучларини сафарбар этиш, ҳашаротга қарши курашнинг энг самарали усулларини қўлланиш талаб этилади. Илғор районлар, хўжаликлар худди шундай қилмоқдалар. Бу жиҳатдан Оққўрғон, Бекобод, Бўка сингари районларда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Лекин айрим районлар ва хўжаликларда кўчатлар бутлаб олингач, хотиржамлик кайфияти ҳукм сура бошлади. Ғўза парвариши ишлари бир мунча бўшаштириб юборилди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир район, колхоз, совхозда ғўзанинг ривожини тезлаштириш учун зарур тадбирларни кўриш керак.

Область пахтакорлар советининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масала кўриб чиқилди. Колхоз ва совхозларда дала ишларини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳосил кўчатдан олинади. Кўчатнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсиши учун эса яқин кунлар ичида барча хўжаликларда яганани тугаллаш керак. Чигит суви берилган далаларда кўчат сийрак бўлиб қолган қаторлар кўзга ташланади. Ана шундай жойларда ягана ўтказилганида айниқса, тадбиркорлик билан иш кўриш талаб этилади.

Ягана тугаллангач, ҳар бир дала комиссия томонидан текширилиб, акт билан қабул қилиб олиниши ва бу далалар тракторчиларга, сувчиларга бириктириб қўйилиши керак. Улар токи йиғим-терим бошлангунга қадар бу ерларда кўчатнинг тўла сақланиши учун жавобгарларлар.

Бегона ўт — ғўзанинг озиқасига, сувига шерик бўлади. Деҳқонларимиз буни яхши биладилар. Шунинг учун ҳам унга қарши курашни бир дам сусайтирмаслик зарур. Бунинг учун энг аввало юқорида айтиб ўтганимиздек, яганани сифатли ўтказиб гектарларда кўчатларни ростлаб қўйиш керак. Карта чеккалари, йўл четлари, ариқ-зовурлар бўйларидаги бегона ўтларни ўз вақтида йўқотиш учун зарур чора ва тадбирларни кўриш лозим. Бу билан қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўпайишига ҳам чек қўйган бўламиз.

Шу кунларда ғўзанинг ўсиши ва ривожини тезлаштиришда культивацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бунда, албатта, культиваторларнинг ишчи органлари тўлиқ ўрнатилган бўлиши шарт. Ҳар бир картанинг тупроқ шароити ва намлик даражасини ҳисобга олиб культивация ўтказишнинг энг мақбул ва самарали усулларини танлаб олиш лозим. Сизот суви яқин бўлган далаларда культивацияни чуқур ўтказиб бир йўла эгат олиб кетган маъқул. Шундай қилинса, намнинг ортиқча буғланиб кетиши олди олинади. Тупроқ қизийди, ғўза ҳаводан яхши баҳраманд бўлади. Сизот сувлари чуқур бўлган майдонларда тупроқда нормал миқдорда намни сақлаб қолиш учун культивацияни ясси ўтказиш тавсия этилади.

Бу йилги шароитда ҳамма ерда ҳар 10—12 кунда культивация ўтказиб туриш талаб этилади. Ишни шундай ташкил этиш керакки, май ойининг охирларига бориб барча бригадаларда учинчи культивацияни сифатли қилиб тугаллаш мумкин бўлсин. Шу давр ичида азот ўғитларининг йиллик нормага нисбатан 70 проценти экинга солиб бўлинган бўлиши керак. Июнь ойида ҳамма ерда ғўзани кам деганда 2,5—3 марта культивациядан чиқариб, азот ўғитларининг ҳаммаси ишлатиб бўлинади.

Ғўзани маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида аҳамият берайлик. Шунинг учун ҳам барча хўжаликларда ғўнг тайёрлашга ихтисослаштирилган унумдорлик отрядларининг ишини активлаштириш лозим. Уларга зарур миқдорда техника, транспорт ва ишчи кучларини бириктириб қўйиш керак. Белгиланган топшириқнинг қандай бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориш билан бирга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг самарали усулларини жорий этиш лозим. Ғўзага маҳаллий ўғит солишда фойдаланиладиган агрегат ва мосламаларнинг тўла унум билан ишлашини таъмин этиш лозим.

Ишни ана шу тарзда йўлга қўйиш йиллик нормадаги барча азот ўғитларини ғўзага солишни 25—28 июндан кечиктирмасдан тугаллаш имкониятини беради. Ғўза ўз вақтида тўйдириб озиқлантирилиб, суғориб, культивация қилингач, ҳосил нишоналари кўпаяди, кўсаклар барвақт шаклланади, эртаги ҳосил учун замин яратилади.

Сув — ғўзанинг қони ва жони, дейди деҳқонларимиз. Гарчи апрель ва май ойларида ёғингарчилик кўп бўлган бўлса ҳам тупроқдаги нам, сув омборларидаги сув запаси нормадагидан кам. Шунинг учун ҳам сувдан тежамли фойдаланиш ғоят муҳим вазифадир. Колхоз ва совхозларда энг аввало суғориш учун етарли миқдорда сувчилар ажратилиши керак. Ҳар бир карта, даланинг ҳолати ҳисобга олиниб, сув қўйилиши лозим. Сувдан қандай фойдаланилаётганлигини узлуксиз назорат қилиб бориш керак. Ҳар томчи сув — ҳосилга хизмат қилмоғи даркор!

Сувдан тежамли фойдаланиш учун барча бригадалар ва хўжаликларда суғоришнинг календарь графиклари, албатта, тузиб чиқилган бўлиши шарт. Эгатларга сувни бир меёрда жилдиратиб қўйиш, бир кеча-кундузда бир жойда кам деганда 8—10 гектар майдонни суғоришга эришиш керак. Айниқса, тунги суғоришни намунали ташкил этиш ғоят муҳим вазифадир. Ғўза тунда суғорилса, биринчидан, экин қониб сув ичади, иккинчидан, сув анча миқдорда тежаб қолинади.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси асосида суғоришни группа усулида ташкил этиш катта фойда келтиради. Бу усул қўлланилганда барча ўқариқларга бир йўла сув қўйилади. Ҳар бир картани қисқа фурсат ичида суғориш мумкин бўлади. Натижада катта-катта майдонларда бир йўла культивация ўтказиш учун шароит яратилади.

Сув исрофгарчилигига асло йўл қўймайлик. Оқава сувлар коллектор ва зовурларга тушириб юборилмасин! Эскини қўллатиб суғориш не-не машаққатлар билан қилинган меҳнатнинг бир қисмини пучга чиқаради. Кўчатлар нобуд бўлади, ривожи сустлашади. Сувчи ҳамиша ўз постида сергак турса, албатта, бундай кўнгилсиз аҳволнинг олди олинади. Шунинг учун ҳам сувчиларнинг юқори унум билан меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берайлик! Улар махсус кийим-кечаклар билан ўз вақтида таъминланган бўлишлари керак. Сувчилар меҳнатига улар бажараётган ишнинг сифати, салмоғи, самарасига қараб, табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлаш зарур.

Ҳашарот тушган ерларни ўз вақтида аниқлаб, унга қарши кураш чораларини қўллаш лозим. Ана шу мақсадда ҳар бир бригадада кузатувчилар фаолиятини кучайтириш талаб этилади. Кузатувчи ўз ишини пухта билиши лозим. Буннинг учун уларни доимо ўқитиб, ўргатиб туриш керак бўлади. Ҳар беш кунда кам деганда бир марта далаларни кўздан кечириш зарур. Ҳашарот тушган жойлар дарҳол белгиланиб, сўнгра зудлик билан уни йўқотиш чора-тадбирларини кўриш лозим. Бу мутахассислар зиммасига катта масъулият юклайди. Агроном энтимологлар ҳамиша кузатувчилар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, ҳашаротни йўқотишнинг энг самарали усулларини ўз вақтида қўллаб, кутилган натижага эришишлари керак!

Кенг ва бепоён пахтазорларда ўн биринчи беш йиллиқнинг учинчи йили катта хирмони тақдири ҳал этилмоқда. Ҳар бир район, колхоз, совхоз зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин этадиган ҳосилни етиштириш — айни кунларда далаларда ишнинг уюшқоқлик билан, юксак сифатли ташкил этилишига боғлиқдир.

Ҳамма ерда агротехника тадбирларини ишлаб чиқаришга изчил жорий этиб, илғор тажрибалар, тавсияларга амал қилиб, барча куч ва имкониятларни ғўза парваришига сафарбар этайлик!

МУҲИМ МАСАЛА ЮЗАСИДАН

24 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган семинар-кенгашда Озиқ-овқат программасини пропаганда қилиш ва амалга ошириш борасида лекция ишларининг форма ва методларини такомиллаштириш, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми белгилаган вазифалар асосида меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш учун курашни оғзаки пропаганда воситалари билан идеологик жиҳатдан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Каттақўрғон шаҳар комитети ва СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи бирлашмасининг бош корхонаси партия ташкилоти шу соҳада тўплаган тажриба кўриб чиқилди.

Семинар-кенгашда республикада лекция пропагандаси билан шуғулланаётган министрлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари, журналистлар, область партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимлари лекторлар группаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Ҳурмат тахтаси

1983 йилда пилла етиштириш ва давлатга сотиш планини бажарган қуйидаги хўжаликлар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

ЧИНОЗ РАЙОНИДАН

«Октябрь 40 йиллиги» колхози (раиси П. Ф. Саулькин, партия ташкилотининг секретари Х. Акромов, касаба союз ташкилотининг раиси О. Тиловов, комсомол комитетининг секретари Р. Айдаров, пиллачилик агротехниги Н. Шерматов).

Энгельс номли колхоз (раиси Е. Шамсиев, партия ташкилотининг секретари Э. Жантелеев, касаба союз ташкилотининг раиси А. Абдуқодиров, комсомол комитетининг секретари А. Абдусатторов, пиллачилик агротехниги М. Адиров).

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАН

«Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхози (раиси Н. Боймуҳамедов, партия ташкилотининг секретари А. Соатов, касаба союз ташкилотининг раиси Ж. Баҳодиров, комсомол комитетининг секретари Х. Файзиев, пиллачилик агрономи С. Толипов).

Навоий номли колхоз (раиси О. Латипов, партия ташкилотининг секретари Т. Алимов, касаба союз ташкилотининг раиси М. Шералиева, комсомол комитетининг секретари Т. Деҳқонобоев, пиллачилик агротехниги Н. Исломова).

«Тошкент» совхози (директори Т. Тўхтабоев, партия ташкилотининг секретари М. Усмонов, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Талаев, комсомол комитетининг секретари А. Усмонов, пиллачилик агротехниги Ҳ. Ёқубжонов).

КАЛИНИН РАЙОНИДАН

«Партия XX съезди» колхози (раиси Қ. Умаров, партия ташкилотининг секретари Е. Камолов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Турсунов, комсомол комитетининг секретари М. Остонов, пиллачилик агротехниги Р. Каримов).

«Назарбек» совхози (директори Х. Қорахўжаев, партия ташкилотининг секретари Р. Исамуҳамедов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Жабборов, комсомол комитетининг секретари С. Расулов, пиллачилик агротехниги Р. Аҳмедов).

«Москва» совхози (директори А. Валиев, партия ташкилотининг секретари Р. Тўланов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Тўрабоев, комсомол комитетининг секретари С. Бойзоқов, пиллачилик агротехниги Х. Раупова).

БЕКОБОД РАЙОНИДАН

Дзержинский номли колхоз (раиси Қ. Эгамназаров, партия ташкилотининг секретари А. Маматмуродов, касаба союз ташкилотининг раиси Б. Жўраев, комсомол комитетининг секретари С. Деҳқонов, пиллачилик агротехниги А. Тўрақулов).

Ленин номли колхоз (раиси Ҳ. Ҳамроқулов, партия ташкилотининг секретари С. Холбеков, касаба союз ташкилотининг раиси О. Хожимирзаев, комсомол комитетининг секретари Н. Эргашев, пиллачилик агротехниги У. Жўраева).

ЧОРАК АСР БИР КАСБДА

Унинг туғилган куни эди. Меҳмонларнинг аксарияти у пазандалик қилаётган Тошкент электрон техника заводи ишчи-хизматчилари. 4-цех ишчиларидан Лариса Шапкина ва Мария Калашниковалар бир қучоқ гуллар тақдим этиб яхши тилаклар билан табриклашди. Сўнг ҳазил-ҳузул аралаш:

— Галина, қани бизни бир сийлачи, сен пиширган овқатларнинг мазаси бошқача бўлади. Ахир 25 йилдан буён қўлингдан овқат еймиз,— дейишди.

— Бажонидил, бугун менюда «парҳез» эмас,— деди Галина дугоналарининг ҳазилига ҳазил билан жавоб бериб, — гўштлик рулет, қовурилган товуқ, хуллас кўнгил тусаганини бемалол буюраверинглар...

Галина Капитоновна икки ҳафтадан буён ошпазлар малакасини ошириш курсида ўқиётган, шунинг учун ўзи хизмат қилаётган парҳезли таомлар ошхонасидаги вазифасини бошқа киши бажариб турган эди. Дугоналари шунга шаъма қилишаётганди. Уларга кулги билан жавоб берди-ю, лаблари беихтиёр «25 йил» дея пичирлади. Ҳақиқатан мана шу корхонада пазандалик қилаётганига куни кеча 25 йил тўлган эди. Нималарнидир эслаган бўлди, сўнгра чеҳраси ёришди. Сабаби ўтган даврдаги камтарин хизматини бугун самимий, илиқ сўзлар билан жуда юқори баҳолашганди. Қолаверса, бутун коллектив билан опа-сингил бўлиб кетганлиги, яқинда область савдо ходимлари мукофоти лауреати бўлганлиги ҳам энг катта баҳо...

Галина Тошкент электрон техника заводига ишга келганида 18 ёшда эди. Иваново умумий овқатланиш техникумини тугаллаб Тошкентга йўлланма беришганида, ошхоналар трестидан шу ерга юборишди.

— Мана шу сенинг «цехинг», булар эса «дастгоҳларинг», қизим,— деди ошхона мудири С. Макаров 40-50 кишига мўлжалланган чорпоя шаклидаги мўъжазгина хона, стол-стул ва идиш товоқларни кўрсатиб, — хўрандалар «раҳмат» дейишса, илғорларимиз қаторидан ўрин олган бўласан.

Қиз қисқагина «яхши» дея ишга киришди. Биринчи марта хизмат кўрсатадиган куни ҳаяжонданмикин негадир тонггача мижжа қоқмади. Тайёрлаган таомларининг ишчиларга маъқул бўлганлигини сезиб, дилида қониқиш, мамнунлик уйғонди.

Йиллар бир-бирини қувиб ўтаверди. Галина Лисенко ана шундан буён ҳар тонг ишчи-хизматчиларга қарагандa 1,5—2 соат муқаддам заводга етиб келиб, хизматга

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

киришишга кўникиб кетди. Бу даврда завод ошхонаси 400 ўринга кенгайиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди, тайёрланаётган таомлар тури кўпайиб, сифати яхшиланди. Қўли ширин, хушмуомала пазанда ҳам кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозонди. Унга тайёрланган таомлар сифатини назорат қилиш ҳуқуқи берилди. 1969 йилда «Совет савдоси аълочиси» фахрий кўкрак нишонига, 1976 йилда эса «Ҳурмат белгиси» орденига сазовор бўлди.

Бундан беш йил муқаддам завод маъмурияти ва касаба союз комитети бамаслаҳат парҳезли таомлар ошхонаси очишга қарор қилдилар. Унда тайёрланган таомлар ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини янада яхшилаб, меҳнат унумдорлигини оширишга катта таъсир кўрсатиши эътироф этилгач, пазандалар танлашга киришилди. Ошхона мудири М. Қорабоев кўпчиликка маслаҳат солди:

— Бу кичик коллектив аъзолари нафақат уста ошпаз, балки ширинсўз, сабр-қаноатли ҳам бўлишлари керак. Сабаби — бу ерда хўрандаларни фақатгина овқатлантириб қолмасдан, даволаймиз ҳам. Ҳар бир фикр-мулоҳаза, эътироз-таклифларни алоҳида инобатга олиш лозим...

Шунда кўпчилик беихтиёр Галина Лисенко номини тилга олди.

— Демак, биринчи номзодимиз сиз бўласиз Галина опа. Коллективнинг бошқа аъзоларини эса бригадир Ҳамид Файзиев билан бамаслаҳат танлаб оларсизлар,— деди мудир.

Ўн етти кишидан иборат бригада тезда парҳезли таомларни тайёрлашни ўзлаштириб олди. Галина Капитоновнанинг таклифи билан кўпроқ сабзавот, сут маҳсулотларидан таомлар пишириш, турли салатлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Буюртмалар столи ташкил этилиб, хўрандаларнинг талаб ва истаклари асосида қўшимча ярим тайёр маҳсулотлар ҳам савдога чиқариладиган бўлди. Кўрсаткичлар тобора яхшиланиб, ойлик планлар ортиғи билан бажарила бошланди. Яқинда бригада коллективи хўрандаларга хизмат кўрсатиш маданиятини тинимсиз яхшилаб борганлиги ва эришган муваффақиятлари учун завод кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Бир касбда чорақ аср... Галина Капитоновна Лисенко билан учрашганимизда суҳбатимиз мавзуи ана шу бўлди.

— Тўғриси, касбимни севаман,— деди у.— Ҳамма ширин уйқуда ётган бир пайтда йўлга отланасан, кечгача оёқда туриб ишлашингерак, қийин, албатта. Лекин хўрандалар овқатланиб яхши кайфият билан «раҳмат» деганларида бутун чарчоғинг чиқиб кетади. Қолаверса ўзим билан бирга ишлаётган 10 нафардан зиёд шогирдларимнинг муваффақиятлари, пазандалик маҳорати ортиб бораётганини кўриб қувончимга яна қувонч қўшилади..

Ленин районидаги 8-ошхона илғор пазандаси, область савдо ходимлари мукофотининг лауреати Г. Лисенко ўзининг оддий касбини ана шундай улуғламоқда. Касби эса унга шон-шуҳрат, эътибор келтиряпти.

А. БОБОБЕКОВ.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

НИКОЛАЙ ЗЛОБИН: САФЛАРИМИЗ КЕНГАЯВЕРСИН

СССР Олий Совети депутати, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, қурилишда бригада пудратини қўлланиш ташаббускори, донгдор бинокорлик бригадаси бошлиғи Николай Анатольевич ЗЛОБИН яқинда республикамиз пойтахтида бўлиб, ўз издошлари билан учрашди. Улар билан бригада пудратини янада такомиллаштириш, уни кенг жорий қилиш масалалари ҳақида фикр алмашди. Мухбиримиз М. Мирҳамидов машҳур бригадир билан суҳбатлашди.

— Николай Анатольевич, Тошкентда илгари ҳам бўлган эдингиз. Ўшандан бери уч йил ўтди. Пойтахтимизнинг бугунги қиёфаси ҳақида нималар дея оласиз?

— Тошкентда — қуёшли, жозибали бу кўҳна ва навқирон шаҳарда иккинчи бор бўлишим. Дастлаб бундан уч йил илгари келгандим. Бу жуда қисқа муддат. Лекин шу йиллар давомида республика пойтахти янада гўзаллашибди, кўркамлашибди. Мен бинокорман. Шу сабабли бўлса керак, қаерга бормай аввало қурилишларга разм соламан. Тошкент эса қурилишлар шаҳри. Бу шундоқ ҳам кўзга ташланиб турибди.

Уч йил ичида ҳам анчагина ўзгаришлар бўлибди. Жуда кўп бинолар қурилибди. Ажойиб массивлар пайдо бўлибди. Айниқса, қатор ноёб бинолар қад кўтарибдики, улар ҳар қандай катта шаҳарга ҳам ҳусн бераолади. Тошкентнинг илгариги кўринишини билмайману, лекин бугуни жуда мафтункордир.

— Николай Анатольевич, Сизни бутун мамлакат бригада пудрати асосчиси сифатида танийди, билади. Бу прогрессив усулнинг моҳияти беқиёсдир. Унинг оммалашиши, бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақидаги фикрингиз газетхонларни қизиқтиради.

— Бригада пудрати бутун мамлакатимизда, шу жумладан Тошкент қурилишларида ҳам кенг қўлланиляпти. Издошларимизнинг сафи кенгаяётганлиги қувончли бир ҳолдир. Чунки, шу усул туфайли объектлар аксарият ҳолларда тез қурилмоқда. Қурилиш сифати ортмоқда.

Бу усул, ҳатто қатор социалистик мамлакатларда ҳам жорий қилиняпти. Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Болгарияда кўплаб издошларимиз бор. Бригада пудрати транспортда, яқиндан бошлаб қишлоқ хўжалигида ҳам қўлланилмоқда. Ҳа, биз биринчи бўлиб жорий қилган бригада пудрати умумхалқ мулки бўлиб қолди.

Менимча бу усулни ёйишнинг имкониятлари ҳали тугаганича йўқ. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари у ёқда турсин, ҳатто қурилишда ҳам қўлланилмаётган жойлар йўқ эмас. Уни иложи борича кенг ёйиш лозим, бу фақат самара беради, қурилиш ишлаб чиқаришидаги аҳволни яхшилашга хизмат қилади.

— Коллективингизнинг иш тажрибаси ҳаммани қизиқтиради. Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз?

— Бригадамиз ташкил этилганида 47 киши ишлардик. Ҳозир сафимизда 67 бинокор бор. Фақат уйлар қурамиз. Бундай бинолар ҳажми анча йирик, шунинг учун ишимиз ҳам осон эмас. Ҳамма уйлар 22 қаватли. Бир йилда шундай турар-жойларнинг иккитасини қўлдан чиқарамиз. Айни вақтда келгуси йил учун задел ҳам қиламиз. Бош пудратчи бўлганимиз учун объектни тўла барпо этиб, буюртмачига топширамиз.

Ишни асосан икки сменада олиб борамиз. Шароит тақозо қилса учинчи смена ҳам ташкил этамиз. Бу сменада кам сонли бинокорлар ишлаб, асосан корхоналардан келаётган материаллар, конструкцияларни қабул қилиш билан банд бўлишади.

Бригадамизда қурилиш муддатларини қисқартириш, материалларни иқтисод қилиш, таннархни арзонлаштириш учун кураш иш шиори бўлиб қолган. Биз қўшимча маош, мукофотларни шу кўрсатиқлар бўйича оламиз. Уларни қанчалик яхшиласак биз шунча кўпроқ манфаат кўрамиз.

Ҳар йили 3 миллион 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширамиз. Ҳар бир бинокор ҳисобига ўртача 40 минг сўмлик атрофида иш бажарилади.

— Николай Анатольевич, қурилишга таъсир қиладиган жуда кўп муаммолар бор. Масалан, материаллар ва конструкциялар етказиб берувчи корхоналар, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан муносабат муаммоси. Бу камдан-кам силлиқ бўлади. Сизнинг бригадангиз бош пудратчи сифатида улар билан қандай алоқада бўлмоқда?

— Бу жуда мураккаб масала. У ҳали-бери кўнгилдагидек тартибга тушадиганга ўхшамайди, афтидан. Буни қаранг-а, биргина бригадамиз материаллар етказиб берувчи 22 та корхона билан мулоқатда бўлмоқда. Икки ўртада шартномалар тузилган. Уларда материалларни етказиб бериш ҳажми, вақти, тури аниқ белгиланган. Лекин, шунга қарамай, унга тўла амал қилинмайди. Шартномаларнинг кўпгина бандлари бажарилмайди. Тўғри, улар шартномани бузганлиги учун бошқармамизга жарималар тўлайдилар, бундан ҳеч қандай фойда йўқ. Бу билан қурилиш тезлашмайди.

Энди ёрдамчи пудратчиларни олиб кўрайлик. Биз уларни ҳурмат қиламиз. Ҳа, ҳа, ҳурмат қиламиз, улар шундай эъзозга лойиқдирлар. Бу, аввало, ёрдамчи пудратчиларга иш фронти яратиб бериш билан белгиланади. Бизда сантехниклар, пардозловчилар, электриклар билан дўстона алоқа йўлга қўйилган. Улар билан узоқ йиллардан бери бирга ишлаймиз.

Умумий қурилиш ишларини 6—7 қаватларга етказсак 1—2 қаватларда албатта сантехниклар иш бошлашади. Сўнгги қаватда ишлаётган бўлсак 17—18 қаватларда паркет ётқизилаётган бўлади. Иш шу тартибда олиб борилади.

— Битган уйларни комиссияга топшириш билан чекланилади, одатда. Сизда уйлар кафолат паспорти билан топширилади деб айтишади. Шу ҳақда нималар дея оласиз?

— Биз уйларни кафолат паспорти билан фойдаланишга топширамиз. Бу бир йилга мўлжалланган. Коллективимиз шу муддат давомида қурган уйларимизда яшовчиларнинг талаблари билан нуқсонларни тузатиб бераверадк.

Қурилган уйга ҳамма кўчиб кирмагунча бригадамиздан икки-уч киши ўша ерда бўлади. Ҳар бир квартирани уй-жойдан фойдаланиш комитети вакилига топширамиз. Уларнинг ва истиқомат қилувчиларнинг эътирозига сабаб бўлган барча нуқсонлар шу заҳотиёқ тузатилади.

Умуман сифат ишимиз мезони ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча операцияларни бажаришда бунга алоҳида эътибор берилади. Камчиликка йўл қўйилса дарҳол бартараф этилади.

— Кейинги вақтларда коллективларда яхши психологик иқлим яратиш муҳимлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Бригадада бу соҳада нималар қилиняпти ва уларнинг самараси қандай бўлмоқда. Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам бу жуда муҳим масала. Уни ҳар доим эътибор марказида тутиш керак, деб ҳисоблайман. Чунки, коллективдаги психологик иқлим, яъни вазият қанчалик соғлом, адолатли бўлса шунча яхши. Бригадада бир-бирига ҳурмат-иззат таркиб топган. Бир-биримизга осойишталик билан муомала қилишга одатланганмиз. Яхши гапнинг таъсири кучли бўлади.

Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, бинокорларнинг дам олишини яхшилашда ҳам гап кўп. Бригадамизнинг қизил бурчаги, кўчма вагонлари бор. Тушликда уларда маданий дам олиш, домино, шахмат-шашка ўйнаш, газета-журналлар мутолаа қилиш мумкин. Коллектив бўлиб театрларга, кинога бориш, табиат қўйнига чиқиш анъанага айланиб қолган. Тўйлар, туғилган кунларни биргаликда нишонлаш, коллектив томонидан эсдалик совғалари бериш, ёмон кунларда ҳамдард бўлиш турмушимизга сингиб кетган. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун шиори — ҳаётимиз, ишимиз мазмуни, маъноси бўлиб қолган.

Шундай омиллар туфайли коллективимиз ягона оила аъзоларидек ҳамфикр, ҳамдард, аҳил ва иноқ, мустаҳкам. Шу туфайли бизда ишчи кучи қўнимсизлиги деярли барҳам топди. Кейинги 13 йил давомида, яъни янгича усулда ишлай бошлаганимиздан буён бор-йўғи ўн киши бўшаб кетди.

— Николай Анатольевич, газетамиз ўқувчиларига қандай тилаклар билдирмоқчисиз?

Н. А. Злобин ўз истакларини қуйидаги дастхатда ифодалади:



Читателям
„Ташкент
хакикати"
В память о встрече
с прекрасной
столицей Узбекистана
в канун 2000-летия
Ташкента.
С наилучшими
пожеланиями
добра и здоровья
21/V-83 Н. Злобин

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИ:

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

МУЛОҲАЗАЛАР, ИСТАКЛАР, ТАКЛИФЛАР

Ангрен шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари қонун лойиҳасини юксак активлик билан муҳокама қилдилар. Қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирдилар. Қуйида биз баъзи корхоналар ишчи-хизматчиларига минбар берамиз. Улар меҳнат коллективлари ҳақидаги қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ўртага ташлаб ўтмоқчилар.

Коллектив ҳал қилсин

Н. П. ЛАРИНА,

4-темир-бетон буюмлари заводи кранчиси, шаҳар Советининг депутати:

Корхонамиз коллективи кўп йиллардан бери планни бажара олмасди. Натижада корхонада аҳвол оғир бўлиб, ишлаш қийин эди. Ўтган йилнинг октябрида янгича иш услубига ўтдик: ҳар ой цехда меҳнат коллективининг йиғилиши ўтказиладиган бўлди. Унда ишнинг юришига нима ҳалал беряпти, меҳнат унумдорлиги, сифат кўрсаткичлари нега паст каби масалалар коллектив муҳокамасига қўйилади. Ишчилар, мутахассислар фикрларини дадил билдиришади, йиғилишнинг ўзида камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланади. Масъулиятли кишилар тайинланади. Белгиланган тадбирларнинг бажарилишини коллектив назорат қилиб боради.

1982 йил ноябрь, декабрь ойида кўрсаткичлар кескин кўтарилди. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили январь ойида планнигина эмас, социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажардик. Янгича иш услубининг шарофати билан «Узстройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасида энг қолоқ ҳисобланган коллектив январь ойида биринчи ўринга чиқиб олди. Мана, тўрт ойлик якун бўйича ҳам бу маррани эгаллаб турибмиз.

Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши айни муддао бўлди. Мен ҳам кўп қатори лойиҳани ўқиб, ўрганиб чиқдим. 4-моддага **«Коллектив, бригада, участка, цех, бўлим раҳбарларининг ўзларига қарашли участкаларда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилишдаги фаолиятлари маълум муддатларда эшитиб турилсин»**, деган қўшимчалар киритилишини таклиф қилмоқчиман.

ИШЧИ ВА СТАЖ

С. Т. ЛЕШЕВ,

7-автобаза слесари, шаҳар Советининг депутати:

— Кўпгина соҳаларда ишчи-хизматчиларга меҳнат стажининг кўплигига қараб қўшимча ҳақ тўланади. Шубҳасиз, бундан мақсад кадрлар қўнимсизлигига чек қўйишдир. Киши бир жойда, бир касбда узоқ вақт ишласа малакаси ошади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ҳам яхшиланиб боради. Шунинг учун бу усул ишлаб чиқаришга катта наф келтиради. Лекин шуни таъкидлаб айтиш керакки, баъзи ишчилар бўладики, кўп йиллар бир корхонада меҳнат қилишади, бироқ улар учун кун ўтса бас. Кўп йил бир жойда ишлаётганликлари учун қўшимча ҳақ олиб туришади. Баъзи ёшлар эса буни кўриб жонни қийнамай, қўл учида ишлашга ўрганишади. Нарироқ бориб, булар ҳам бир жойда кўп ишлаганликлари учун қўшимча ҳақ олишади. Гўёки ҳамма иш жойида. Менимча бу унчалик тўғри эмас. Шунинг учун меҳнат қонуни лойиҳаси 11-моддасига қуйидаги қўшимча киритилса яхши бўларди: **«Кўп йиллик меҳнат стажи учун қўшимча ҳақ тўлаш масаласи коллектив муҳокамасида ҳал этилади»**.

Бу ҳолда коллектив ҳар бир ишчи-хизматчининг меҳнатига одилона баҳо беради, одамлар яхшироқ ишлашга интилишади.

ИНТИЗОМСИЗЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

С. СУЯРОВ,

«Узтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 15-кўчма механизациялашган колонна бригада бошлиғи:

— Қаерда бўлмасин ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат интизомини бузувчиларга қарши кескин кураш олиб бориш зарур. Агар Иттифоқ бўйича бир киши бир кунда бир минутдан ишга кечикса ёки иш вақтини йўқотса-ю, ҳисоб-китоб қилинса жуда катта рақамларни ташкил этади. Демак, иш вақти бу катта бойлик.

Социалистик мусобақа шартларига кўра бригада, участка аъзоси ишга кеч қолса ёки келмаса белги қўйилади, бу эса коллектив кўрсаткичига салбий таъсир қилади. Мукофотдан маҳрум этилади. Бу усул тўғри. Лекин мен унга яна қўшимча қилмоқчиман. Интизомсизларни жазолаш яхши, бироқ олдини олиш ундан ҳам яхши. Интизомсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилса ва бунда бутун коллективнинг иштироки таъминланса маъқул бўлар эди. Шунинг учун мен «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонуни лойиҳасининг 12-моддасига **«Коллектив прогулчиликка кескин курашиш билан бирга прогулларнинг сабабларини чуқур ўрганиши, унга йўл қўймаслик учун олдиндан, чоралар белгилаши зарур»** деган қўшимча киритилишини таклиф қиламан.

ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

Яқинда «Узбекхиммаш» заводида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, бригадирлар, мастер, участка, цех ва бўлим бошлиқларининг иштирокида янги қонунни муҳокама қилиш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Қуйида сиз ўша йиғилишда билдирилган айрим фикр-мулоҳазалар билан танишасиз.

В. БУТИШЕВ,

йиғувчи слесарлар бригадаси бошлиғи:

● БИЗНИНГ қозон-пайвандлаш цехимизда меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси синчиклаб ўрганиб чиқилмоқда. Ҳар бир ишчи ўзига берилаётган ҳуқуқларни мукаммал билиб олишга ҳаракат қиляпти.

Қонуннинг 9-моддасида **«Меҳнат коллективлари меҳнат интизомини бузганлик учун коллектив аъзоларига нисбатан жамоат жазоси чораларини (ўртоқлик танбеҳи, жамоат ҳайфсани) қўллайдилар, меҳнат интизомини бузувчилар тўғрисидаги материалларни ўртоқлик судларига кўриб чиқиш учун топширадилар»** дейилади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1983 йил) Пленуми қарорларидан сўнг цехимизда меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан бундай чоралар кўрила бошланган эди. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасида бу ҳуқуқларнинг қонунлаштирилиши интизомнинг янада мустаҳкамланиши учун яхши самара беради, деб ўйлайман.

Меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан аниқ жазо чоралари кўрила бошлангач меҳнат унумдорлиги ҳам анча яхшиланди. Лекин бундан олдин тартиббузарларни ишдан бўшатишга, қатор лоқайд машинасозларга нисбатан моддий ва маънавий жазо чораларини кўришга тўғри келди. Шу ўринда ёмон ишчини ишдан бўшатиш билан коллективнинг вазифаси, бурчи ниҳоясига етказилди деб бўлмаслигини айтиш лозим. Кўп ҳолларда ишдан бўшатиб юборилган тартиббузарлар ўзга корхона маъмурияти томонидан қулоч очиб кутиб олинади, ишга қабул қилинади. Меҳнат ресурсларни етишмагач раҳбарлар қандай бўлмасин штатни тўлғизишга ҳаракат қилишади. Лекин унинг қандай ишчи эканлигини аниқ билиб олишгунча коллектив ҳам анчагина зарар кўради. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Учар ишчиларнинг қўнимсизлигига барҳам бериш керак. Ана шу мақсадда 9-моддага қуйидаги тузатиш киритилишини таклиф қиламан: **«Меҳнат коллективлари зарур ҳолларда меҳнат интизомини бузувчиларни то ишдан бўшатишгача жавобгарликка тортиш масалаларини кўрадилар ва воқеаларнинг келгуси давомини касаба союз комитети йўли билан кузатиб борадилар ва уларга аралаша оладилар»**.

Б. РОЗИЕВ,

йиғув цехининг бошлиғи:

● ЛОЙИҲАНИ муҳокама қилганимизда бир неча ўн йиллик меҳнат стажига эга бўлган ветеранларимиз ҳам, касб сирларини эндигина ўрганаётган ёш ишчиларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Лекин ёшидан, тажрибасидан қатъий назар уларнинг кайфиятидаги умумийликни — масъулият ва бу лойиҳага қизиқиш ҳиссини англаш мумкин эди. Айниқса, коллективимиз социалистик мулкнинг сақланишини таъминлашда ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишда меҳнат коллективларининг ваколатлари белгиланган 8- моддани алоҳида қизиқиш билан ўргандилар.

Қонун лойиҳасида ҳар бир меҳнаткаш ўзини коллектив аъзоси, шу корхонанинг эгаси деб ҳис этиши кераклиги ҳақида гапирилади. Бу жуда тўғри, албатта. Лекин донм ҳам шундай бўлавермайди. Баъзида давлат бойлигига, мулкига нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳолларини кузатиб ачинасан киши. Ишчилар тушликка кетишар экан, станокни ўчирмайдилар, компрессор етказиб берадиган ҳаво оқимини тўхтатмайдилар, ёритгичларни ўчирмайдилар ва ҳоказо. Дастгоҳлар ва айрим зарур мурувватлар ўз ҳолига ташлаб қўйилади, мойлаш материаллари ортиқча сарфланади, эртанги унумдорликни белгилайдиган станоклар мунтазам тозаланмайди. Ваҳоланки, ана шу манзара ишчилар, бригада бошлиқлари, мастерлар, муайян участка бошлиқлари кўз ўнгида рўй беради. Уларнинг эса парвойи палак. Ана шундай ҳолда давлат мулкига ўзимизнинг мулкимиздек муносабатда бўлишимиз, ўзимизни корхона эгаси деб ҳис этишимиз керак. Шундай қилсаккина тежамкорлик ҳам, меҳнат унумдорлиги ҳам кўнгилдагидек бўлади. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасида ана шу масалалар ҳам ўз аксини топишини истар эдим.

Л. ТАРАСОВА,

бўлим бошлиғи:

● БУ қонун лойиҳаси жуда муҳим ва ўз пайтида қабул қилинаётган ҳужжат деб ҳисоблайман.

Корхонанинг стандартлаш ва сифатни бошқариш бўлими коллективи бу лойиҳани қизиқиб ўрганди. Айниқса, иқтисодий ва социал ривожланишни планлаштиришда меҳнат коллективларининг ваколатлари белгиланган 6-моддага эътибор кучайтирилди. Бунинг объектив сабаблари бор, албатта.

Барча меҳнат коллективларидаги сингари корхонамизда ҳам йилдан-йилга юқорироқ планлар белгиланади. Афсуски, заводда ишлаб чиқилган иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари билан бирга давлат топшириқлари ҳам айрим ҳолларда фақатгина заводнинг айби билан эмас юқори ташкилотларнинг айби билан бажарилмай қолади. Фикримни ойдинлаштириш мақсадида қуйидаги мисолни келтирмоқчиман.

1983 йилда заводимизга юқори ташкилотлар беш йиллик планда кўзда тутилганидан ҳам юқорироқ планларни белгилаб беришди. Хусусан, кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш плани моддий ресурслар ажратиш билан мувофиқлаштирилмаган. Жумладан, 1983 йил учун кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 миллион 900 минг сўм деб белгиланган. Ресурслар эса 3 миллион 600 минг сўмликдан ошмайди.

Яна бошқача бир мисолни келтириш мумкин. Заводни марказлаштирилган усулда капитал ремонт қилиш бўйича 300 минг сўм пул ажратилишини кутган эдик. Афсуски, тармоқ министрлиги бу маблағни ҳисобимизга ўтказмади. Натижада заводнинг айланма даромадларидан фойдаланишга мажбур бўлдик. Бунинг оқибатида металл етказиб берувчи буюртмачиларимизга ўз вақтида пул ўтказилмади. Бу ўз навбатида моддий-техника базамизнинг бироз қашшоқланишига олиб келди.

Буларнинг ҳаммаси коллектив ишига салбий таъсир кўрсатганлиги сир эмас. Шунинг учун меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонунида **корхоналар иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини бажара олмаганликларида айбдор бўлган раҳбарлар, шунингдек, юқори ташкилотларга нисбатан таъсир чоралари кўриш ҳам ўз аксини топиши керак деб ўйлайман.**

ҲУҚУҚЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛСА...

РИВОЖЛАНГАН социализмнинг ҳозирги босқичида фан-техника тараққиёти асосида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини кескин ошириш партиямиз иқтисодий стратегиясининг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнат коллективларининг фаолияти ана шу вазифани муваффақиятли ҳал этишга қаратилгандир.

Шу муносабат билан «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида» СССР Қонуни лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилиши бежиз эмас.

Ҳозирги меҳнат коллективларининг хусусияти шундаки, бундай коллективларда совет халқининг кўп миллатли оиласи — рус, украин, белорус, ўзбек, грузин, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз ва бошқа миллат ва элатлар вакиллари бир-бирига дўст, биродар, бир-бирига устоз ҳамда шогирд бўлиб қардошларча яшамоқдалар ва ишламоқдалар.

Айни вақтда меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш, жамоат ва давлат ҳаётидаги роли ортиб бораётир.

Корхона, ташкилот ва муассаса меҳнат коллективларининг фаолияти кўп қирорали бўлиб, унинг асосийси — ишлаб чиқариш ва меҳнатдир. СССР Қонуни лойиҳасида Коммунистик партия ва Совет давлати социалистик демократияни янада ривожлантириш асосида меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни, корхона, муассаса ва ташкилотларни бошқарувда иштирокини таъминлашга қаратилган амалий тадбир-чоралари яққол гавдаланган.

Жумладан, Қонун лойиҳасида социалистик мулкнинг сақланишини таъминлаш ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айниқса, юксак меҳнат интизомига эришиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Меҳнат коллективлари лойиҳага биноан интизомнинг аҳволини муҳокама қилиш ва уни мустаҳкамлаш чораларини кўриш, зарур ҳолларда меҳнат интизомини бузувчиларни ишдан бўшатиш, уларни мукофотлардан батамом ва қисман маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўладилар. Улар узлуксиз иш стажи учун қўшимча отпускадан маҳрум қилиш, уй-жой майдони бериш муддатини орқага суриш тўғрисидаги чораларни қўллашга ҳақлидирлар.

Ижтимоий меҳнат самарадорлиги, унинг унумдорлигини ошириш, меҳнатни илмий ташкил этиш, нормалаш ва ҳақ тўлаш соҳасидаги меҳнат коллективларининг ваколатлари жуда ҳам жиддийдир. Масалан, лойиҳанинг 12, 13, 14 ва 15-моддаларида меҳнат коллективларининг ишчи ва хизматчилар ташаббусини ривожлантириш ва социалистик мусобақани ташкил этиш, қадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва жойжойига қўйиш, иқтисодий рағбатлантириш фондларини тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишдаги, меҳнат шароитларини яхшилаш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари аниқ кўрсатилган.

Фикримизча, СССР Қонуни лойиҳасида меҳнат коллективларининг маънавий рағбатлантириш бўйича ваколатлари алоҳида модда қилиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда, меҳнат унумдорлигини ўстиришда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва коллектив бригада формаларини жорий қилишнинг роли тобора ортиб бормоқда. Фақат саноатда, қурилишда, транспортдагина эмас, балки қишлоқ хўжалигида — совхоз ва колхозларда бригада пудратини жорий қилиш зарурлиги тўғрисидаги масалани яқинда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси алоҳида кўриб чиқди ва уни амалга ошириш ҳақида аниқ тадбир-чоралар белгилаб берди. Қонун лойиҳасининг 18-моддаси ишлаб чиқариш бригадаси коллективининг асосий ваколатларига алоҳида бағишланган.

Кенг жамоатчилик қатори бизнинг ижодий коллективимиз ҳам «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида» СССР Қонуни лойиҳасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, кенг муҳокама қилди ва якдиллик билан маъқуллади. Коллективимиз фикрича қонун лойиҳасига айрим ўзгартишлар ва аниқликлар киритилиши лозим. **Хусусан, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг меҳнат коллективлари олдида ҳисобот беришлари ва масъулиятлари тўғрисида алоҳида модда киритилса, улар ўртасида ўзаро узвий боғланиш ва бир мақсадга интилиш кўпроқ таъминланади.**

Яна бир таклифимиз: Қонун лойиҳасининг 9-моддасига меҳнат коллективлари «иш вақтидан тўла фойдаланишни таъминловчи турли қузатишлар ўтказади» деган сўзларни қўшиш лозим.

Лойиҳанинг 11-моддасида меҳнат коллективларининг меҳнатни ташкил этиш, нормалаш ва унга ҳақ тўлаш соҳасидаги ваколатлари баён қилинган. Бироқ, жамиятимизнинг иқтисодий ва социал ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган меҳнат унумдорлигини ўстириш билан иш ҳақини ошириш ўртасидаги муносабат қандай тарзда ўзгариб боришлиги ва бу боғлиқликка меҳнат коллективлари қандай таъсир кўрсатишлари зарурлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Шу сабабли коллективимиз фикрича 11-моддага қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқдир. **«Меҳнат коллективлари... меҳнатни нормалаш ва унга ҳақ тўлашнинг амалдаги шарт-шароитлари қўлланилиши устидан контроллик қиладилар»** деган бўғиндан сўнг **«меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақининг ўсиши ўртасидаги мутаносиблиги бузувчи, иш ҳақи фондини ортиқча сарф қилишга сабаб бўлувчи эскириб қолган меҳнат сарфи нормаларини тўхатиш тўғрисида қарор қабул қиладилар»** бандини қўшиш керак.

Абдувоҳид АБДУҒАНИЕВ,

Меҳнат ва социал масалалар бўйича СССР Давлат комитети Меҳнат илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон филиалининг директори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● КОБУЛ

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш АДР ҳукуматининг тинимсиз ғамхўрлик қилиб келаётган соҳаларидан биридир.

Апрель революцияси ғалабасига қадар киччинтойларнинг ярмидан кўпи турли касалликлардан нобуд бўларди. Бугунги кунда эса Афғонистон пойтахтида мамлакат ёш гражданлари ва уларнинг оналарига хизмат қиладиган 15 та поликлиника ишлаб турибди. Революция йиллари мобайнида 300 мингдан кўп киши ана шу поликлиникалардан малакали ёрдам ва консультация олди. Бу йил соғлиқни сақлаш министрлиги яна 15 та шундай поликлиникани очишни режалаштирмоқда.

Совет Иттифоқи Афғонистонга совға сифатида қуриб берган Кобулдаги она ва бола маркази катта шуҳрат қозонди. Мамлакатнинг энг олис чеккаларидан хотин-қизлар ва болалар бу ерга совет мутахассислари қабулига кириш учун келишади.

● РАБОТ

Касабланкада «Ал-Иттиҳод Ал-Иштироки» кундалик газетасининг араб тилида биринчи сони чиқди. Газета Марокаш социалистик халқ кучлари иттифоқи тараққийпарвар сиёсий партияси томонидан нашр этилмоқда.

Шу партия биринчи секретари Абдураҳим Буобид газетанинг бош мақоласида таъкидлаб ёзадики, бу газета кенг халқ оммаси — ишчилар, деҳқонлар, ҳунармандлар, майда савдогарлар, тараққийпарвар зиёлилар ва ёшларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш учун актив курашади, партиянинг ички ва ташқи проблемалар юзасидан тутаётган позициясини тушунтириб беради.

● АММОН

Иорданиянинг Шимолий Ирбид вилоятидаги тўртта қишлоқда электр лампочкалари порлади. Бу ерда янги электростанция ишга туширилди. Йил охиригача, деб хабар қилади ПЕТРА ахборот агентлиги, шу вилоятдаги яна 15 та қишлоқда электр чироқлари ёнади. Ирбиднинг ярим миллиондан кўп аҳолиси электр энергия билан таъминланади.

Совет мутахассислари қишлоқ аҳоли пунктларини электрлаштириш ишида Иорданияга катта техникавий ёрдам бермоқдалар. Уларнинг лойиҳаларига мувофиқ электр линиялари ўтказилмоқда, электр станциялари қурилмоқда.

(ТАСС).

● Мамлакатни контрреволюциячилардан ҳимоя қилиш учун Афғонистоннинг турли жойларида кўнгиллилар отрядлари ташкил этилган. Бу отрядларга келиб қўшилган ватанпарварлар армия ва халқ милициясига мамлакатга ташқаридан империалистик ва реакция кучлари томонидан юборилаётган душманларга қарши курашишда актив ёрдам бермоқдалар.

Суратда: Саманган вилоятидаги кўнгиллилар отрядининг жангчилари.

Г. Надеждин фотоси. (ТАСС).

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан партизанлари Исроил оккупациячиларига ҳамда уларнинг ҳамтовоқлари — Ҳаддад сепаратчиларига қарши бир неча марта муваффақиятли операция ўтказишди. Кеча улар исроилликлар ва ҳаддадчиларнинг Жанубий Ливандаги босиб олинган Набатия шаҳрида жойлашган қўмондонлик пунктларини гранатомётлардан ҳамда бошқа қуроллардан ўққа тутишган.

Партизанлик ҳаракатининг кучайиши босқинчиларни жазавага солмоқда. Кеча интервенциячи қўшинлар бўлинмалари Ливандаги Камед Ал-Лоз қишлоғини қуршаб олиб, оммавий тинтув ўтказдилар ва сўроқ қилдилар. Кўплаб аҳоли қамоққа олинди. Босиб олинган Ливан жанубидаги бошқа аҳоли пунктлари ва шаҳарлари ўтган кунларда ялпи тинтув қилинди.

Бекаа водийсида кескин вазият сақланиб қолмоқда. Босқинчилар Ал-Қасир тепалигини Бака ва Мадуха тепаликларидаги қўшинлар позицияси билан боғлайдиган йўлни тўсиб қўйдилар, Исроил қўмондонлиги Айн-Арабнинг шимолий районига танк бўлинмаларини юборди. Оккупациячиларнинг инженерлик қўшинлари Бака ва Янта аҳоли пунктлари ўртасидаги барча йўлларга миналар қўйдилар.

БУГУН — АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИ

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУГУН жаҳон халқлари Африка озодлиги кунини кенг нишонламоқдалар. Бу қитъанинг мустамлакачилар зулмидан эзилиб келган пайтлари ўтмишга айланди. Кўпчилик Африка мамлакатлари узоқ йиллар давомида олиб борган кураш натижасида озодлик ва мустақилликка эришдилар. Эндиликда уларнинг овози халқаро майдонда баралла янграмоқда.

Африка... Озодлик кураши тўфонларида туғилган ва яшаётган янги Африка.

Ҳали яқин-яқинларгача Африканинг сиёсий харитаси мустамлакалар ва мандат остидаги территорияларнинг бир тусдаги мудҳиш доғларидан иборат эди. Улуг Октябрь ғоялари таъсирида уйғонган қитъа узра ўзгаришларнинг қудратли шамоллари эса бошлади.

Ўттизинчи йилларда бу қитъада атиги учта мустақил давлат бор эди. Орадан чорак аср ўтгач қитъада мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаган давлатлар сони 26 тага етди. Ҳозир эса Африканинг сиёсий харитасида элликдан ортиқ мустақил давлат мавжуд.

Улар Африка Бирлиги Ташкилотига аъзодир. Бундан йигирма йил муқаддам тузилган мазкур ташкилот ўз олдига қитъа халқларига озодлик ва адолатга эришишда ёрдам бермоқликни асосий мақсад қилиб қўйган. Африка Бирлиги Ташкилоти Устави имзоланган 1963 йилнинг 25 майида унинг фаолияти бошланди. Ўшандан буён ҳар йили шу кун Африка озодлиги куни сифатида нишонланади.

Қитъа халқлари сиёсий озодликда эришилган муваффақиятлари билан фахрланишга ҳақлидирлар. Ирқчиларнинг «африкаликлар мустақил тарихий ижодкорликка қобилиятсиз» деган уйдирмалари чиппакка чиқди. Жумладан, Ангола, Мозамбик, Зимбабвенинг мустақиллик учун олиб борган қуролли курашидаги ғалабалари шуни кўрсатдики, мустамлакачилик кучлари ватанпарварларнинг эркка бўлган интилиши қаршисида ожиздир. Эфиопия инқилоби қадимий мамлакат ҳаётида чуқур социал-сиёсий ўзгаришлар қилди.

Совет Иттифоқи янги ҳаёт қураётган Африка халқларига ҳамиша актив, самимий ёрдам кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Улуг Октябрь Ватани, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар Африка мамлакатларининг ўз озодлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги курашига ҳар томонлама кўмаклашишни ўзларининг интернационал бурчлари деб ҳисобламоқдалар.

Совет Иттифоқи билан қитъадаги ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Совет Иттифоқи иштирокида Африкада ҳукуматлараро битимларга мувофиқ 600 га яқин объект қурилмоқда. Асосий қурилишлар моддий ишлаб чиқариш соҳаларидан иборат. Жазоир ва Нигериядаги металлургия заводлари, Гвинеядаги қудратли боксит кони, Мозамбик, Ангола, Эфиопия, Ливиядаги турли лойиҳалар бутун қитъа халқ хўжалигини юксалтиришда, шубҳасиз, муҳим роль ўйнайди. Энг муҳими шундаки, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган давлатлар билан мамлакатимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги самарали алоқалар доимий бўлиб қолди.

Африкадаги ривожланаётган мамлакатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда Совет Ўзбекистонининг ҳам ҳиссаси каттадир. Республикамиз пахтакорларининг ёрдами Анголада ташкил этилган «Онга-Занга» ва «Умпата». давлат хўжаликларида мамлакат учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Бу ерда пахтанинг «Тошкент» навлари экилмоқда. Тошкент заводларида ишлаб чиқарилган тракторлар, сеялкалар, культиваторлар ва пахта териш машиналари самарали ишламоқда.

Африкада эрк учун кураш давом этмоқда. Мустамлакачилик ва ирқчилик — Африка Жанубий Республикасида сақланиб қолмоқда. Ирқчилар босиб олган Намибияда зўравонлик кучаймоқда. Ирқчилар Африка жануби халқларининг миллий-озодлик ҳаракатларини бостиришга беҳуда уринмоқдалар.

Ўқлар, қамоқхоналар, сиёсий найранглар апартеидга ва ирқчиликка қарши кураш ҳаракатини тўхтатишга ожиздир. Африка бутунлай озод бўлади!

Т. СОЛИЕВ,
А. РУЗИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IX ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЧОРВАДОР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ ЧОРВАЧИЛИК СОВЕТИНИНГ МАХСУС ГАЗЕТАСИ № 5 (16)

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

УНУМДОРЛИК КАЙФИЯТГА ҲАМ БОҒЛИҚ

ОБЛАСТИМИЗ чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX Пленуми қарорларини амалга ошира бориб гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш, зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари ошириб бажариш учун курашмоқдалар. Ўтган давр ичида бу соҳада бирмунча ютуқлар қўлга киритилди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қайси бир хўжалик, комплексда чорвадорларнинг унумли ишлаши тўғрисида ғамхўрлик қилинаётган бўлса, уларнинг меҳнати қадрланиб рағбатлантирилса, ўша ерда натижа яхши бўлаётир.

Янгийўл районидаги «Коммунизм», Калинин районидаги «Москва», Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари ва бошқа бир қатор хўжаликларда олиб борилаётган ишлар бунга мисолдир. Бу хўжаликларда чорвадорларга барча қулайликлар яратиб берилган. Энг муҳими улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг илғор усуллари қўлланилмоқда. Сут соғувчи, молбоқар ўзининг меҳнати қандай натижа беришини, қандай рағбатлантирилишини олдиндан билиб, сезиб туради. Шунинг учун ҳам ишда бракка, шошма-шошарликка йўл қўйилмайди.

Афсуски, айрим районлар ва хўжаликларда бу масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Чорвадорлар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида яхши тадбирлар ишлаб чиқилади. Бироқ бу тадбирлар кўп ҳолларда оғизда қолиб кетмоқда.

Чорвадор — фидокор, мард, бойлик яратувчи, эл дастурхонини тўкин-сочин қилишга даъват этилган касб эгасидир. Ҳар бир хўжаликда чорвадор меҳнатини қадрлаш, эъзозлаш, улар учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш, ҳеч шубҳасиз ферма ва яйловлар маҳсулдорлиги, самарадорлигини оширишга олиб келади. Хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотлари ўз фаолиятларида бу масалага алоҳида эътибор беришлари керак.

ТАЛАБ ВА ҒАМХЎРЛИК

ҲАР БИР соҳада бўлганидек, чорвачиликда ҳам мўлжалдаги ишларни ўз вақтида амалга ошириб, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш кўп жиҳатдан ферма ва яйловларда меҳнат қилаётганларга қандай шароит яратиб берилганлигига боғлиқдир.

Биз ўз фаолиятимизда бу масалага доимо катта эътибор бериб келмоқдамиз. Чорвадорларга маданий-маиший, медицина, савдо хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирлар кўрилмоқда. Чорвадорлар учун аталган уй-жой қурилишларини тезлаштириш, битган объектларни одилона тақсимланиши устидан жамоатчилик асосида назорат ўрнатилган.

Кейинги йилларда чорвадорлар мусобақасини ташкил этишнинг янги-янги ва хилма-хил формаларини излаб топишга ҳаракат қилмоқдамиз. Мусобақа илғорлари бўлган сут соғувчилар, чўпонлар, товуқбоқарларнинг иш тажрибаси ўрганилиб, оммалаштирилмоқда. Беш йилликнинг ўтган икки йили мобайнида 6 коллектив ва 11 ишлаб чиқариш илғорининг иш услуби кенг тарғиб қилинди. Булардан «Пискент» совхозида ем-хашак етиштиришга ихтисослаштирилган бригада иши, айниқса, ибратли деб топилди. Бекобод районидаги Ленин номли колхозда ҳам чорвачилик ходимлари меҳнатини ташкил этиш ва уларга ҳақ тўлашни такомиллаштириш пировард натижада чорва моллар ва паррандалар маҳсулдорлигини кескин оширишга олиб келмоқда.

Илғорлар «Социалистик мусобақа ғолиби» кўкрак нишони билан мунтазам равишда тақдирланмоқда. «Ҳурмат китоби» ва «Ҳурмат тахтаси»га номлари ёзиб қўйилаётган чорвадор ● коллективлар ва донгдорлар бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ ишлашга ҳаракат қилишлари табиийдир. Мусобақа ғолибларини кўпчилик ўртасида тантанали равишда табриклаб, мукофотлаб, вимпеллар топшириб уларнинг шарафига байроқ кўтариш эса ажойиб анъанага айланиб қолган. Бўка, Пискент, Жонкидзе районларидаги кўпчилик фермаларда бу иш, айниқса, яхши йўлга қўйилган.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ — МУСОБАҚА ТАШКИЛОТЧИСИ

Булардан ташқари чорвадорлар саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳам касаба союз ташкилотларининг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Ҳар йили медицина кўриги ўтказилади. Зарур деб топилган айрим беморлар назоратга олинади. Малакали врачлар уларга диагноз қўядилар, сўнг область касалхонаси ва область физиотерапия шифохоналарида даволаниш учун йўлланмалар берилади.

Олис яйловлардаги чорвадорларга хизмат кўрсатиш учун кўчма амбулаториялар юборилиб турилади. Врачлар график асосида ҳар ойда яйловларга чиқиб, чўпон-чўлиқларни медицина назоратидан ўтказадилар. Ҳозирги кунда фақат Оҳангарон, Чиноз ва Калинин районлари чорвачилик фермаларида 60 га яқин врач ва ўрта медицина ходимлари бойлик яратаётган / азаматларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш билан машғул бўлмоқдалар. 14 қишлоқ участка касалхоналари, медицина пункти ва фельдшерлик, акушерлик тармоқлари ишлаб турибди.

Ҳар йили чорвадорларга Иттифоқимизнинг турли санаторийлари ва профилакторийларига бориб дам олиш, даволаниш учун кўплаб йўлланмалар ажратилмоқда. Ўтган йил ёзида эса бир гуруҳ чорвадорлар Оққўрғон санаторий-профилакторийсида ўз саломатликларини мустаҳкамлаб қайтдилар. Ҳар йили бир сменада бу ерда юзга яқин киши даволанади. «Чортоқ», «Чимён» санаторийларида ҳам областимиздан бориб даволанган кўплаб чорвадорлар мамнун бўлиб қайтдилар.

Биз чорвачилик комплексларида ва фермаларида меҳнаткашларни парҳез таомлар билан таъминланиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилмоқдамиз. Ўтган йили ёзда областимиздаги 25 колхоз ва совхозда ана шундай ошхоналар ташкил этилди.

Бироқ ҳали айрим колхоз ва совхозларда чорвадорлар меҳнатини ташкил этиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилинмаяпти. Оққўрғон, Ғалаба, Бекобод ва Чиноз районларидаги айрим хўжаликлар фермаларида кўп ишлар қўлда бажарилмоқда.

Бундай камчиликка барҳам бериш керак.

Т. РАЖАБОВ,
қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси.

2-бет

ПУДРАТ ҚЎЛ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини ўрганишга бағишланган колхоз правлениеси ва партия комитети йиғилишида чорвачиликдаги аҳвол ҳар тарафлама таҳлил қилиниб, бу соҳадаги нуқсонларга барҳам беришга астойдил киришдик. Биринчи навбатда чорвадорларнинг меҳнати ва турмуш шароитини яхшилашга эътиборни кучайтирдик. Чорвачиликда ҳам пахтачиликдаги сингари нарядсиз система бўйича ишлашга ўтилди.

Янги усулда чорвадор меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш асосий восита ҳисобланади. Агар илгари соғиб олинган 100 литр сут учун соғувчига 4 сўм тўлаб келинган бўлса эндиликда 6 сўм тўланмоқда. Чунки сутнинг ёғлилик даражаси кескин кўтарилди. Ҳақ тўлашда ана шу омил ҳисобга олинмоқда.

Ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришни мўлжал қилиб қўйганмиз. Бу ўз навбатида ем-хашак экиладиган майдонларни кенгайтиришни тақозо этади. Буни ҳам ҳисобга олганмиз. Бизда 500 гектар экин майдони машина ёрдамида суғорилади. Ана шу ерларнинг бир қисмини ем-хашак экинлари учун ажратишга қарор қилдик. Бу ҳам чорвадорлар таклифи билан бўлди.

Фермада меҳнатни ташкил қилиш ва чорвадорлар турмуш шароитини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши яхши натижалар бермоқда. Ҳатто қиш даврида ҳам ҳар бош соғин сигирдан кунига ўртача 11,2 килограммдан сут соғиб олинди. Натижада биринчи кварталда сут етиштириш ва давлатга сотиш топшириғини анча ошириб бажаришга эришдик.

Чорвадорларимиз ўзларининг бўш вақтларини кўнгилли ўтказмоқдалар. Фермада қизил бурчак ташкил этилган. Дам олиш хонаси бор. Лекторлар, ҳаваскорлик тўгаракларининг аъзолари фермамизга тез-тез келиб турадилар. График бўйича чорвадорларга медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатилади.

И. АБДИЕВ,
Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз раиси.

КОМПЛЕКСДА ОРОМГОҲ

БАЪЗИ хўжаликларнинг раҳбарлари сут соғувчиларнинг етишмаслигидан нолишади. Бунинг сабаби ёшларнинг фермада ишлашни истамасликларида, деб биладилар.

Йўқ, бизнингча, ундай эмас. Ҳамма гап фермадаги меҳнат ва маданий-маиший шароитдадир. Узоққа бормай, ўзимиздан конкрет мисол келтиришимиз мумкин.

Сутчилик комплексимизда чиройли безатилган дам олиш хонаси бор. Полга гиламлар тўшалган. Ўртада узун, ялтироқ стол. Атрофида стуллар, креслолар. Деворлар турли рангдаги бўёқлар билан нақшланган. Хона тўрида экрани катта телевизор, ёнида магнитофон.

Ҳордиқхонадан чиқиб, ён томондаги эшикни очсангиз, ўзингизни бежиримгина кино залида турландек ҳис этасиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу кинохонани чорвадорларимизга атаб қурганмиз. Чунки уларнинг колхоз марказидаги кинотеатрга тез-тез бориб туриш учун вақтлари бўлавермайди. Шунинг учун янги киноленталар фермaнинг ўзида ҳар ҳафтада бир марта канда қилмай намойиш этиб борилади.

Махсус автобус сут соғувчиларни комплексга жуда барвақт — соат тўртларда олиб келади. Соғин тугагач, улар шу ердаги нонвойхонада ёпилган ёғлик патирлар билан нонушта қиладилар. Ошхонада эса комплексдаги барча ишчи-хизматчилар учун ҳар куни тушлик иссиқ овқат тайёрланади.

Комплексда ҳар томонлама қулай иш ва маданий-маиший шароитларнинг вужудга келтирилганлиги меҳнат кўрсаткичларида ўз аксини топмоқда. Комплексга келиб ишлаш истагини билдираётган ёшларимиз оз эмас. Масалан, ўтган йили Хайитгул Гулмуродова, Баҳриниса Холмонова, Руқия Абдураҳмоновалар ўрта мактабни битириб сут соғувчиларимиз сафига қўшилдилар.

М. ЖУРАЕВ,
Бекобод районидаги Ленин номли колхоз правлениеси раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари.

● Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз сут-товар фермасида чорвадорларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун яхши шароит яратиб берилган. Бу ерда қизиқ бурчак ташкил этилган. Чорвадорлар ишдан бўш вақтларида газета ва журналларнинг янги сонларини қизиқиб ўқийдилар, телевизор орқали бериладиган кўрсатувларни томоша қиладилар. Ўзаро тажриба алмашадилар. Социалистик мусобақага ҳам шу ерда якун чиқарилиб, илғорлар тантанали суратда рағбатлантирилади.

3-бет.

ОҒИРНИ ЕНГИЛ ҚИЛИБ

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз чорвадорлар меҳнатини енгиллаштириш, кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизациялаштириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бизнинг хўжалигимизда ҳам бу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда фермамизда 930 бош қорамол боқилмоқда. Улардан 114 бошн соғин сигирлардир. Молларга озуқа тарқатиш, суғориш, тагларини тозалаш, соғиш ва бошқа кўпгина ишлар техника зиммасига юкланган. Озуқа цехи ишлаб турибди. Бу цех учун керакли транспорт ва бошқа механизмлар ажратиб берилган.

Мен тракторчи-механизатор бўлиб ишлайман. Даладан ўриб-йиғиб олинган озуқа экинларини прицепларда фермага ташиб келаман. Биз вақтдан, техникадан унумли фойдаланишга, озуқани ташишда нобудгарчиликка йўл қўймасликка ҳаракат қиламиз. Моллар ўз вақтида белгиланган рацион асосида боқиляпти.

Фермалар чиқиндиларидан ўз вақтида тозалаб турилса, сут соғувчи, молбоқарнинг иши енгиллашади. Бу ердаги мавжуд 9 та транспортёр шу мақсадга хизмат қилмоқда. Кейинги пайтларда сунъий сут тайёрлаш ишларига ҳам катта эътибор берилаётир. Бу иш АЗМ аппарати ёрдамида амалга оширилмоқда. Кунига 1,5 тонна сунъий сут тайёрланмоқда.

Фермамизда замонавий техника ва ускуналар кўп. Албатта, уларнинг унумли ишлаши ўзимизга, кўп жиҳатдан эса «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси мутахассисларининг амалий ёрдамига боғлиқ. Улар вақтивақти билан фермамизда бўладилар. Биргалашиб ремонт ишларида қатнашамиз. Мураккаб механизмларнинг бенуқсон ва унумли ишлашида улар бизга яқиндан ёрдам беришяпти.

Шу кунларда бирлашмага қарашли кўчма механизациялашган колонна қурувчилари фермамизда яна 200 бош сигирга мўлжалланган молхона қурилишини амалга оширмоқдалар. Бу ерда сунъий қочириш пункти, туғуруқхона, бўғоз моллар ва бузоқларни сақлайдиган алоҳида хоналар мавжуд бўлади. Барча иш жараёнлари механизация ёрдамида бажарилади.

П. МУРОДОВ,
Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози сут-товар фермасининг механизатори.

МАГАЗИН ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА

ФЕРМАМИЗДА ҳозир молларнинг маҳсулдорлиги кўнгилдагидек бўляпти. Хўжаликда тўрт ой давомида давлатга гўшт топшириш йиллик плани уддаланди. Топширикдаги 50 тонна ўрнига 68 тонна гўшт етказиб берилди. Сут соғиб олиш ва давлатга топшириш ҳам анча жадал суръатлар билан бормоқда. Биз ҳисоблаб чиқдик. Йил бошидан буён ҳар бош соғин сигирдан олинган сут 1750 килограмм данга тўғри келибди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 5—6 килограммдан кўпдир. Ваҳоланки, бизнинг кўрсаткичларимиз анча юқори ҳисобланади. Масалан, ўтган йили ҳар бош сигирдан 4570 килограммдан сут соғиб олинди. Бу район бўйича энг юқори кўрсаткичдир.

Чорвадорлар меҳнати яхши ташкил этилганлиги, уларнинг маданий турмуш кечиришлари учун ғамхўрлик қилинаётганлиги натижасида шундай ютуқларни қўлга киритмоқдамиз. Дарҳақиқат, фермамизда унумли меҳнат қилиш учун ҳамма шарт-шароит бор. Асосий меҳнат жараёнлари механизация ёрдамида бажарилади. Ишдан бўш вақтларимизда газета ва журналларни кўздан кечирамиз, китоб ўқиймиз, баҳслашамиз, мусобақа якунларини муҳокама қиламиз, тажрибаларни ўртоқлашамиз. Кунлик, ҳафталик, ойлик якунлар махсус кўрсаткич тахталарида акс эттириб борилади. Улардаги рақамларни кўриб, магзини чақиб, кимнинг қандай ишлаётганлигини билиб олиш мумкин. Ҳар ўн беш кунда сут соғувчилар мусобақасига якун чиқарилади. Ғолиб шу куннинг ўзида пул мукофоти билан тақдирланади. Биринчи ўрин учун 75 сўм, иккинчи ўрин учун 60 сўм, учинчи ўрин учун 40 сўм белгиланган. Бу мукофотлар тантанали суръатда топширилади ва мусобақа ғолиби шарафига шуҳрат байроғи кўтарилади.

Биз ишни бир ҳафта давомида сут соғувчининг бир кун дам олишини мўлжаллаб ташкил этганмиз. Керакли нарсаларни қидириб магазинма-магазин юрмаймиз. Фермамизга вақти-вақти билан кўчма магазин келиб туради. Керакли буюмларни сотиб олиш имкониятига эгамиз. Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз сут соғувчилари бундан мамнун.

Т. МИРЗАЕВА.

● «Узгоскомсельхозтехника» Ўрта Чирчиқ район бирлашмаси ҳузурида чорвачилик фермаларига техник хизмат кўрсатиш ва ускуналаш бўйича станция уч йилдан буён самарали иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунда райондаги барча ферма ва комплексларга намунали хизмат кўрсатилаётир.

Суратда: (чапдан ўнгга) слесарь-оператор Г. Номозбоева, техника хизмати кўрсатиш станцияси бошлиғи Т. Шукурхонов, слесарь-операторлар А. Ли, М. Умарова ўртоқлар созланган сут соғиш аппаратини кўздан кечирмоқдалар.

В. Портнов фотолари.

4-бет.

Чўпон ота ФЕРМА КЕЗАДИ

ЙЎЛ ЮРСА ҲАМ МЎЛ ЮРИБ...

БУ КОМПЛЕКСДАГИ ҳангомалар хусусида менга кўп марта гапиришган. «Сизнинг қадамингиз етган ферма ва комплексларда камчилик ва нуқсонлар барҳам топиб, ишлар юришиб кетяпти, — дейишади. — Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозига ҳам бир келсангиз. Хўжалик сут етиштириш планини йил сайин бажаролмаяпти. Аҳволни ўз кўзингиз билан кўриб, гап нимада эканлигини аниқлаб берсангиз».

Вазифамиз шу бўлгандан кейин борамизда, албатта. Совхоз марказига етиб келгач менга рўпара келган дастлабки кишидан сўрадим:

— Хўжаликнинг сутчилик комплекси қаерда?

— Узоқда, — деди у. — Пиёда етолмайсиз.

— Балки автобус юрар?

— Қаёқда... Иўловчи машина учраб қолса ҳам хурсанд бўлаверинг.

Хуллас йўл юриб, йўл юрсам ҳам мўл юриб комплексга етиб келдим. Тепаликнинг устидан комплекс кўзга ажабтовур кўринар эди. У бежиримгина посёлкани эслатарди. Комплексда ҳар бири 150—200 бош сигирга мўлжалланган 12 та кенг, ёруғ бино бор эди. Озуқа цехлари ва омборлари техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқлари билан жиҳозланган. Молхоналар ҳам озода, тартибли. Озуқалар ўз вақтида тарқатиляпти. Соғиш аппаратлари бенуқсон ишлайди.

Буларни кўриб илгарироқ бўлиб ўтган воқеа ёдимга тушди. Комплексда тартиб интизомнинг йўқлиги, раҳбарларнинг ўз вазифаларига лоқайд муносабатда бўлаётганликлари, шунинг учун сигирлар маҳсулдорлигининг пастлиги газеталарда танқид қилинган эди. Орадан ўтган давр ичида комплекс тартибга солиннибди-ю, бироқ ҳамон сигирларнинг сути кўпаймапти.

Бунинг сабабини сўраганимда бош зоотехник Аҳмад Омонқулов қўлимга бир даста рақам тутқазди. Комплексда 660 бош соғин сигир бор экан. Йиллик планга кўра 2440 тонна сут етиштирилиши лозим. Бунинг учун эса ҳар бош сигирдан камида 3610 килограммдан сут соғиб олиниши керак бўлади. Ўтган йили эса бу рақам 2815 килограммда қолиб кетибди.

Хўш, нима учун шундай бўлди? Балки сигирлар озуқага ёлчимаётгандир?

Яна рақамларга мурожаат қилдик. Бироқ озуқа экинлари ҳосилдорлиги чакки эмас. Масалан, ҳар гектардан 250 центнердан беда пичани, 600 центнердан ошириб маккажўхори кўк массаси, 700—800 центнердан озуқа лавлагиси олиняпти. Ҳар йили қишловга етиб ортадиган миқдорда ем-хашак жамғарилади.

Комплекс мутахассисларидан қолоқликнинг сабаби хусусида тайинли жавоб ололмагач, совхоз директорини кутдим. М. Жавриевни кечгача кутиб ўтириб, у билан узоқ суҳбатлашдик. Маълум бўлишича бу комплексда ҳар бир соғувчига нормадаги 20 бош ўрнига 40—45 бошдан сигир тўғри келар экан.

— Нега шундай? Ёки соғувчиларнинг малакаси шу қадар юқоримми?

— Малака нима қилади бу соғувчиларда, — деди директор қўл силтаб. — Уларнинг ҳаммаси кечагина ўрта мактабни битириб келган ёш қизлар. Бир йилярим йил ишлар-ишламас, бўшаб кетаверишади. Қўшни хўжаликлардаги сут соғувчиларга ялинишга тўғри келяпти...

— Нега бўшаб кетишяпти? Ахир комплексдаги шароит ёмон эмас-ку?

— Узоқлик қиляпти, — дея жавоб беради комплекс бошлиғи Нурмуҳаммад Шеров. — Ҳар куни эрталаб сут соғувчиларни олисдаги қишлоқ ва овуллардан йиғиб, автобус билан комплексга олиб келгунча икки соат вақт кетади. Соғиндан сўнг уларни уйларига тарқатгунча яна икки соат вақт керак бўлади. Кечқурун ҳам шу аҳвол. Бундай овора-ю сарсонгарчилик кимга ҳам ёқади, дейсиз.

— Балки комплексга ёндош қилиб уй-жойлар қуриш керакдир?

— Вагон уйчалар келтирган эдик, фойдаси бўлмади. Чунки, бу ерда сув масаласи чатоқ, — дейди комплекс бошлиғи.

1977 йилдан бери бор-йўғи 20 оилага уй-жой қурилди. Аммо у ҳам совхознинг марказий участкасида барпо этилди. Бу ердан фермагача пиёда бориб бўлмайди, албатта. Автобус ҳаракати эса ҳамон йўлга қўйилмаган.

— Яқин вақт ичида амалга ошириладиган қандай режалар белгиланган? — сўрайман директордан.

— 200 бош сигир сотиб олмоқчимиз. Ахир планни бажаришимиз керак-да...

Мен совхоз директоридан яқин кунлар ичида комплекс атрофида турар-жой қурилишининг бошлаб юборилиши, автобус маршрути очилиши ҳақидаги хушхабарларни кутган эдим. Бироқ мен боғдан келсам, у тоғдан келди.

Чорвадорларни шинам турар-жойлар билан тўла таъминламай туриб, уларга қулай иш ва дам олиш шароити яратиб бермай туриб бу ердаги аҳволни ўнглаш мумкин эмаслигини совхоз раҳбарлари наҳотки тушунмайдилар. Ахир «комплекс» сўзининг ўзи ҳам буни яққол эслатиб турибдику. Ферма ёки комплексларни ҳар қандай катта қилиб қурилмасин, замонавий техника воситалари билан қанчалик тўла жиҳозланмасин, барибир ҳамма ишни кадрлар, ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар ҳал этади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ўшаларга, улар ишининг сифатига боғлиқ.

Бунинг учун совхоз директори, бош зоотехник ва комплекс бошлиғи ўзларига топширилган вазифага виждонан муносабатда бўлишлари, жон куйдириб, ташаббус кўрсатиб ишлашлари лозим бўлади. Қолаверса райондаги қурилиш, транспорт ва бошқа ташкилотлар ҳам бу ишдан четда қолмасликлари зарур.

М. ЕГОРОВ,
Чўпон отанинг котиби.

„ЧОРВАДОР" МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ЧОРВАДОР»нинг шу йил март ойи сонида «Комплекс янги-ю, тартиб эски» сарлавҳаси билан эълон қилинган мақолада Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози комплекси ишидаги камчиликлар танқид қилинган эди.

Бу мақолага Оҳангарон район партия комитетининг иккинчи секретари В. Урядов имзоси билан жавоб олинди. Унда айтилишича танқидий мақола совхоз партия комитетининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинган. Кўрсатилган камчиликлар тўғри эканлиги қайд этилган. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун комплекс бошлиғи А. Ҳолтўраев вазифасидан озод қилинган. Шунингдек, бош зоотехник А. Жунусов ва бош агроном Т. Қўчқоров ўртоқлар 1982 йилда ем-хашак тайёрлашда раҳбарликни яхши эплай олмаганликлари учун жиддий огоҳлантирилганлар.

Совхозда шу кунларда ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш ва уни яхши сақлашни таъминлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда.

Жамоатчи редколлегия: Ш. А. АКМАЛХОНОВ (редактор), И. В. АЖИНОВ, А. Е. БАКИРОВ, Т. Г. ГОТИН, Б. В. ЖЕРДЕВ, М. ИСОҚОВА, Н. РИХСИЕВ (масъул секретарь), В. ШАБАЛИН.

САНЪАТ ОЛАМИДА



● Республикамиз пойтахтида ишлаб турган 14 та музейда Узбекистоннинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиши, халқимизнинг олис ўтмиши ва меҳнаткашларнинг инқилобий кураши ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Суратларда: (чапдан) Узбекистон ССР халқ амалий санъати музейининг ташқи кўриниши; музейнинг таъмирлаш лабораториясининг мудири Абдулла Йўлдошев янги экспонатни кўздан кечирмоқда.

В. Казанцев фотолари.

(ЎзТАГ).

«АБАЙ»—ҲАМЗА ТЕАТРИ САҲНАСИДА

ЛЕНИН орденли Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри коллективи қозоқ совет адабиётининг классиги Мухтор Авезов асари асосида «Абай» драмасини томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Спектаклни М. Авезов номидаги Қозоғистон ССР Давлат академик драма театрининг бош режиссёри, СССР ва Қозоғистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Озарбайжон Мамбетов режиссёрлар Абубакир Раҳимов ва Марат Азимовлар ёрдамида саҳнага қўйди.

Асарни ёзувчи Носир Фозилов таржима қилган бўлиб, саҳна безакларини эса СССР Давлат мукофотининг лауреати, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. Брим ва Е. Туяковлар тайёрладилар. Композитор — СССР халқ артисти, Қозоғистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Г. Жубенова.

Спектаклдаги Абай образини СССР Давлат мукофотининг лауреати, Узбекистон ССР халқ артисти Ёқуб Аҳмедов яратди. Шунингдек, томошабинлар драмадаги етакчи ролларни ижро этган З. Муҳаммаджонов, Ғ. Аъзамов, Т. Азизов, Е. Саъдиев, Я. Абдуллаева, О. Норбоева, С. Умаров, Э. Комилов ва бошқа таниқли актёрлар маҳоратидан мамнун бўлдилар.

Ўзбек ва қозоқ саҳна усталарининг ижодий ҳамкорлиги асосида юзага келган спектакль Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг Олмаота шаҳрида ўтадиган гастроль томошаларида ҳам намойиш қилинади.

М. Авезов номидаги Қозоғистон ССР Давлат академик драма театри ўз навбатида Тошкентда июнь ойида бўладиган гастролларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Қозоғистон санъаткорлари драматург Уйғун ва Й. Султонларнинг «Алишер Навоий» драмасини тайёрламоқдалар. Мазкур спектаклни Ҳамза номидаги театрнинг бош режиссёри, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирмоқда.

А. ТОЛИПОВ.

«ЎҚИТУВЧИ НОМИГА ГАРД ЮҚМАСИН» МАҚОЛАСИ

ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

Умримнинг 42 йилини ўқитувчиликка бағишладим. Ҳозир пенсиядаман. Ҳайдарали Узоқовнинг «Ўқитувчи номига гард юқмасин» мақоласини қунт билан ўқиб чиқдим. Автор педагог обрўси билан боғлиқ жуда муҳим муаммоларни кўтарган. Айни юракдаги гаплар. Дарҳақиқат, кейинги йиллар ичида ўқитувчилар орасида ўз номига яраша иш тутмаётганлари ҳам бўлаяпти. Сабабини чуқурроқ суриштирсангиз, масала педагогика олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашга ҳам бориб тақалади. Бу институтларда кириш имтиҳонлари пайтида абитуриентларга нисбатан унчалик талабчанлик етишмайди. Бўлажак студентнинг ўқитувчиликка қанчалик қобилиятли, қанчалик лаёқатлилиги ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. Натижада институтни битирганларнинг кўпи ўз соҳасини ташлаб, бошқа ишларда ишлашяпти. Шаҳар ва қишлоқ мактабларида эса ҳамон педагог кадрларга талаб ортиб бормоқда.

Менимча, бўлажак рассом ёки актёрнинг қобилияти кириш имтиҳонларидан олдин конкурсда ўз соҳаси бўйича синаб кўрилганидек, ўқитувчи бўлишни орзу қилган кадрнинг ҳам бу касбга бўлган ҳаваси, истеъдодини кўрикдан ўтказиш керак. Акс ҳолда ўз касбига лоқайд кадрлар давримизнинг бугунги талабига жавоб беришолмайди.

Х. ЙЎЛДОШЕВ,
Узбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, Тошкент шаҳри.

ҲАР СОҲАДА ЎРНАК БЎЛИШИ КЕРАК

Мен бир кекса педагог сифатида мақола юзасидан шуни айтмоқчиманки, унда бугунги кундаги долзарб масалалар ҳақида ўринли мулоҳазалар юритилган. Кейинги йиллар ичида баъзи мактаблар ҳамда оилаларда тарбия бўшашиб кетганлиги рост. Бунда айрим ота-оналар ўқитувчини айблаб, айрим педагоглар эса оилдан нуқсон топишга интилиб вақтни бой беришмоқда. Кўп йиллик педагоглик тажрибамга таянган ҳолда шуни айтмоқчиманки, тарбияда оила ҳам, мактаб ва жамоатчилик ҳам бир ёқадан бош чиқармаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Лекин мақолада алоҳида қайд қилинганидек, ўқитувчининг болага муомаласи, кийинниши, юриш-туриши, тащқи қиёфаси тарбия учун муҳим аҳамиятга эга. Соқоли ўсган, кийимлари шалвираган, костюмининг битта тугмаси осилиб ётган ўқитувчи сўзининг таъсир кучи қаерга борарди дейсиз? Бу педагог қимматбаҳо янги кийим кийиши, доим ясан-тусанда юриши керак деган гап эмас. Лекин у оддий кийимни ораста қилиб кийиши, ўзи ҳам озода юриши лозим. Энг муҳими ўқитувчининг сўзи билан иши бир бўлиши керак. Педагог болаларга дарс вақтида аҳлоқ, одоб ҳақида гапирсаю, ўзи ё тўйда, ё бошқа бир даврада ўқувчилар кўз ўнгида ичиб ҳар хил ноўрин гапларни гапириб ўтирса, эртасига унинг сўзларига талабалари ишониши албатта қийин бўлади. Бундан ўқитувчининг ҳуқуқи чегаралланган экан деган фикр келиб чиқмайди, албатта. Педагог ҳам дам олиши, ширин суҳбатлар қуриши, бир пиёла чой устида ҳордиқ чиқариши, ўз касбдошлари, маҳалладошлари билан тўй-ҳашамларда ўтириб роҳат қилиши керак. Аммо ҳамма нарсанинг меъёри бор. Ўқитувчи агар чин маънода ўзининг ўқитувчи эканлигини сезса шунинг ўзи етарли. Демак, у бошқаларга қараганда ўз касби юзасидан чуқурроқ масъулият сезади, ҳамиша ақли-ҳуши билан иш юритади. Шундагина ўқитувчининг обрўси доимо юксак бўлади.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Узбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, шахсий пенсионер.

БИЛИМИГА ЯРАША БАҲО ҚЎЯЙЛИК

Таълим-тарбияга катта варар келтирадиган, педагогнинг обрўсини туширадиган қусурлардан бири ўқувчилар билимини тўғри баҳоламасликдир. Шу жиҳатдан олганда мақола муаллифи масалани тўғри қўйган. Кўп бўлмаса ҳам айрим мактабларда ҳанузгача баҳолар қўйиш, медаллар беришда таниш-билишлик, ота-онасининг мавқеига қараб иш юритиш ҳоллари мавжуд.

Бир куни О. исмли ота менга қараб: «Ичмаганингиз чатоқ-да, бўлмаса аллақачоноқ қўлга олган бўлардиму» деб қолди. У ўз ўғлига юқори баҳо қўйиб беришимни илтимос қилиб келган экан. Мақсади амалга ошмади. Лекин гапи анча вақтларгача менга таъсир қилиб юрди. Чунки, у қайсидир педагогни ана шу йўл билан домига илинтирган бўлиши мумкин ва менга ҳам ҳеч иккиланмай муомала қиляпти. Шу муносабат билан мактабларда ҳар бир раҳбар, ҳар бир ўқитувчи ўз қадрини билсин демоқчиман. Ўқувчини фақат билимига қараб, жамоат ишларида актив иштирок этишини ҳисобга олиб, холис баҳолашни ўзига қонун қилиб олган ўқитувчи ҳеч қачон уялиб ҳам қолмайди, виждон олдида қийналмайди ҳам.

А. МУТАЛИЕВ,
Калинин районидаги 25-ўрта мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси, Узбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

КИНО

«АКМАЛНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ»

«Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари шу кунларда ёш томошабинларга яна бир ажойиб туҳфа ҳозирламоқдалар. Студия павильонларида «Акмалнинг янги саргузаштлари» номли эртак фильми суратга олинмоқда.

Янги картина «Акмал, аждаҳо ва Малика» номли асарнинг давомидир. Фильмнинг Бутуниттифоқ телевидениесининг «Эртак ҳузурида меҳмонда» кўрсатуви орқали муваффақиятли намойиш этилиши ижодкорларни шу мавзудаги ишни давом эттиришга руҳлантиради.

Бу сафар Акмал халққа жабр-ситам ўтказаётган золим подшо билан аёвсиз курашга отланади. Ниҳоятда кескин тус олган воқеалар ниҳоясида адолат тантана қилади, халқ шоҳ зулмидан халос бўлади. Эртакдаги ҳар бир лавҳа кичик томошабинлар қалбида яхшилик ва инсонга муҳаббат туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

Картинадаги бош ролни мактаб ўқувчиси Суҳроб Сулаймонов ижро этмоқда. Энг кичик актриса Дилноза Расулова эса бир варакайига ҳам Малика, ҳам Гўзал образларини яратмоқда. Фильмда, шунингдек, Ирода Алиева, Хайрулла Саъдиев, Воҳид Қодиров сингари талантли санъаткорлар ҳам иштирок этишади.

М. ЗАРИПОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ГИЛАМ — НУРХОНА

● БОЛАЛАР ҳар доим, шу жумладан, мактаб ўқувчилари танаффус вақтларида югуришни ва сакрашни маъқул кўрадилар. Швейцариялик ихтирочилар болаларнинг шундай тўполонлари натижасида ҳосил бўладиган энергияни исроф қилмаслик йўлини топдилар. Улар мактаблардаги йўлакларга гилам тўшашни, унинг остига генератор ўқини ҳаракатга келтирадиган махсус ричаглар ва тишли узатгич ўрнатишни таклиф қилмоқдалар. Маълум бўлишича 50 ўқувчи шундай гилам устида югуриш билан бутун мактаб эҳтиёжи учун етарли бўлган электр энергия ҳосил қилар экан. Югуриш болалар учун ҳам, аккумуляторлар учун ҳам зарядка бўлади.





●

ҚУЁШ ДИЗЕЛИ

● ОДДИЙ дизель двигателини қуёш энергиясидан ишлашга мажбур қилиш мумкинми? Кўпчилик «мумкин эмас» деб жавоб беради. Аслида улар адашган бўлишади. Австралиялик конструкторлар шундай дейишмоқда. Ҳатто буни амалда исботладилар ҳам. Улар шундай қурилма яратдилар-ки, унга эгилган ойналар орқали тушган қуёш нури юксак босим натижасида қувур шаклидаги қозондаги сувнинг ҳароратини 230 градусгача иситади. Махсус дозировка қурилмаси иситилган сувни двигатель цилиндрларига узатиб туради, сув бу ерда бир зумда буғга айланиб кетади. Буғнинг босими эса поршенларни ҳаракатга келтиради.

СПОРТ

ФИНАЛГА КИРОЛМАДИЛАР

● ТЕННИС бўйича СССР халқлари ёзги VIII спартакиадаси программаси асосидаги мусобақалар давом этяпти. «Динамо», «Буревестник» ва «Пахтакор» стадиони теннис кортларида ғолиблик учун курашаётган тўрт группада саралаш учрашувлари ниҳоясига етди. Республикамиз вакиллари охирги кун Москва теннисчиларига 1:7 ҳисобида ютқазиб қўйиб, ўз группасида учинчи ўринни олди ва энди Тожикистон, Ленинград ҳамда Арманистон командалари билан умумий 9—12 ўринлар учун баҳслашадиган бўлдилар. Кеча бўлиб ўтган бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Украина — Грузия — 7:1, РСФСР — Эстония — 8:2, Арманистон — Қирғизистон — 10:1, Ленинград Латвия — 2:6, Молдавия—Белоруссия — 2:6, Литва—Озарбайжон — 5:6, Тожикистон — Қозоғистон —7:4.

ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

● РЕСПУБЛИКА ўқувчиларининг XXVII спартакиадаси ниҳоясига етди. Ешлар ўртасида энг оммавий бўлган бу спорт анжуманининг биринчи босқичида 3 миллионга яқин ўқувчи стартга чиқди. Ғолиблар финалда 25 спорт тури бўйича баҳслашдилар. Тошкент шаҳар вакиллари 22 тур бўйича биринчи, велопойга, волейбол ҳамда футбол турларида иккинчи ўринни олиб, умумкоманда ҳисобида 5654 очко билан бош соврин эгаси бўлишди. Пойтахт области вакиллари 3057 очко билан иккинчи, Самарқанд области командаси 2793 очко билан учинчи ўринни олди.

ШАХМАТЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

● ПОЙТАХТДАГИ шахмат-шашка клубида шахмат бўйича Ўзбекистон 48-чемпионати давом этмоқда. Чемпионлик унвони учун 18 спортчи даъвогарлик қиляпти. Ўзбекистоннинг бир неча марта чемпиони бўлган Г. Борисенко сўнгги турда С. Нодирхоновни мағлубиятга учратиб 6,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

** ** **

● Суратларда: Узбекистон терма командасининг аъзолари, СССР спорт мастерлари Ирина Панова ва Сергей Богдановлар мусобақа пайтида.

Ф. Қурбонбоев фотолари. ЎзТАГ фотохроникаси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СЕРГЕЛИ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
МЕҲМОНХОНА УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЮМШОҚ МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БУ ТУРКУМ КАТТА БЎЛМАГАН КВАРТИРАЛАР УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.

Мазкур туркум осонгина каравотга айлантириш мумкин бўлган диван, чиройли манзарали газлама билан қопланган икки кресло, журнал столчасидан иборат.

Мебель узоқ хизмат қилиши учун қуйидаги қоидаларга амал қилишни таклиф этамиз:

— мебель иситиш приборларидан олисроқ ерга қўйилади;

— юмшоқ мебелни майин чўтка ёки пилесос билан тозаланади;

— мебелнинг силлиқ сирти юмшоқ, тоза ва фақат қуруқ пахмоқ материал билан артилади;

— мебелнинг сайқал берилган устки қисмини мебель тозалаш учун мўлжалланган воситалардан фойдаланиб янгилаш мумкин;

— қоплама газламадаги кир ва доғлар совунли қоришмада намланган латтача билан кетказилади.

МЕҲМОНХОНА УЧУН МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИНИ ТОШКЕНТ ВА ПОЙТАХТ ОБЛАСТИНИНГ МЕБЕЛЬ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

СЕРГЕЛИ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

НЕФТЬ—ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПРАВЛЕНИЕСИ
«СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ,
«СРЕДАЗНИИГАЗ»
ВА ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИ
26 ва 27 май кунлари соат 10.00 да ИЛМИЙ-ТЕХНИКА КЕНГАШИНИ ЎТКАЗАДИЛАР.

КЕНГАШНИНГ МАВЗУИ: «Ўрта Осиё шароитида бурғулашнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш мақсадида парма долоталарини танлаш ва қайта ишлашни такомиллаштириш масалалари».

Кенгаш «СредазНИИгаз» нинг мажлислар залида (Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 2-уй) **ўтказилади.**

Кенгаш қатнашчилари соат 9.00 дан 10.00 гача рўйхатга олинади.

СССР Ички ишлар министрлигининг
НОВОСИБИРСК, САРАТОВ, ОРЖОНИКИДЗЕ ОЛИЙ ҲАРБИЙ-БОШЛИҚЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИЛИМ ЮРТЛАРИ;
ЛЕНИНГРАД ОЛИЙ СИЕСИЙ БИЛИМ ЮРТИ ВА ХАРЬКОВ МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига ёши 21 дан ошмаган, тўлиқ ўрта маълумотли, ишда (ўқишда) ўзини кўрсатган ижобий характеристикаси, СССР Ички ишлар министрлигининг билим юртларида ўқишга саломатлиги тўғри келадиган ва кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўсмирлар қабул қилинади.

Ўрта мактабларнинг 10-синф ўқувчилари 9-синф табелини ҳамда 10-синф табелидан кўчирма топширадилар.

Аризада билим юртининг номи, кирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йил ва ойи, маълумоти, миллати, уй адреси кўрсатилади.

Ўқиш муддати — 4 йил.

Билим юртини тугаллаганларга умумиттифоқ намунасидаги диплом ва аттестат, офицерлик унвони берилади.

Ҳужжатларни тўлдириш, медицина комиссиясидан ўтказиш ва номзодларга кириш имтиҳонлари топшириш учун йўлланма бериш Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлими томонидан ўтказилади.

Адрес: 700143, Тошкент шаҳар, Луначарское шоссеси, 243-уй, кадрлар бўлими.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 —«Время». 9.40— Мультфильмлар. 10.00—«Контроль полоса». Бадиий фильм. 11.15 — «Саёҳатчилар клуби». 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Африка озодлиги кунига. Кинокўрсатув. 16.00 — «Экран дўстларни чорлайди». 16.50 — «А. Н. Островский пьесаларининг қаҳрамонлари». 2-кўрсатув. 17.45 —«Мен —бугун ва эртага». 18.30 — «Партия ҳақида ҳикоялар». Партиянинг туғилиши. 19.15— «Дунё воқеалари». 19.30 — «Москва май ойида». Кинолавҳа. 19.35 — «Чорасизлик сиртмоғи». 19.55 — Р. Шчедрин асарлари. 20.10 — «Қасос». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 — «Время». 22.05 — СССР халқларининг VIII спартакиадаси. Баскетбол. 22.45 — «Дунё воқеалари». 23.00 — «Олам кинокамера кўзгусида».

УзТВ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.05 — «Авлодлар». Телевизион фильм. 12.35 — «Бир фожиа изидан». Телеспектакль. 2-серия. 18.05 — Қўғирчоқ фильмлар. 18.30 — Африка озодлиги кунига. «Интернационал дўстлик клуби». 19.00 — «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асосий». 19.30 —«Ахборот». 19.45 — Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати, Узбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом туғилган кунинг 80 йиллигига бағишланган концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати, Узбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом туғилган кунинг 80 йиллигига бағишланган концертнинг давоми. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бугун оламда нима гап?». 22.20 — «Бир фожиа изидан». Телеспектакль премьераси. 3-серия. 23.15 — Янгиликлар.

УзТВ-II. 18.10 — Математика. 19.10 — Тошкентнинг 2000 йиллигига. «Октябрликлар». 19.40 — «Балиқ ҳақида». Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Бахтли бўлай деб». Телевизион бадиий фильм. 21.30 — МТ-II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Узбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, адабиёт ва санъат — 325767, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 062561 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684, Б. 1606.